

айтылған, соңын ала қосық тексти толық меңгерілгеннен кейін өз алдына еркін айтыу имканиятна ие болады. Сөз ойын қосықтарында ойын хәрекеттері де тийкарғы зәрүр элементтердің бири сапланады. Және бир әмийетли тәрәпи атқарылуы процесинде мәлим бир ўақыт яки орын талап етилмейди. Оларды қәлеген ўақытта, қәлеген орында айтыу мүмкин. Жанрдың баслы өзгешелиги, ата-ана менен баланың дәсме-дәс жуўапласыўынан ибарат болса да, бирақ тийкарғы атқарыўшы биреў ғана болады [3:57]. Жанрдың және бир өз алдына әмийетли қәсийети сөз ойын қосықлары тили жеңил, ядлап алыўға қолайлылығында. Балалар бул қосықларды атқарып атырғанда сөзлер көз алдына көринислерди пайда етеди хәм өзлери белгили бир образ хизметинде атқарыўы мүмкин.

Мәселен:

- Хә, Түлкишек, Түлкишек
- Түнде қайда барасаң?
- Мамамың ўийне бараман.
- Мамаң саған не берер?
- Ешки саўып сүт берер.
- Ешкисиниң сүти жоқ
- Ылағының пүти жоқ.
- Тарам-тарам ет берер.
- Оны қайда қоясаң?
- Тал түбине қояман.
- Ийт әкетсе қәйтесең?
- Ийт аўзынан аламан
- Батий ханға бараман
- Батий ханның неси бар?
- Ушар-ушар қусы бар
- Ушып кетти хаўға,
- Қайтип түсти дәрьяға,
- Дәрья суўын қурытты,
- Ақ шабағын ширитти,
- Бир байдың журтында,
- Еки тышқан урысты.
- Сақал муртын жулысты.

Қосық қатарларында көринип турғанындай, дәслеп әпиўайы сораў-жуўап түринде басланып, турмыслық, тарийхый ўақыялар менен ушласады. Бул жанрдың өз

алдына ажыралып турыўшы өзгешелик тәрәпи драмалық характерге ие болыўында. Бундай қосықлардың сюжети, мазмуны күнделикли турмыста бар әпиўайы кубылыстан алынады да, хәммеси бириккен қонымлы, күлкили түрде көп хәдийселерден нәзик сезимлер, анық хабарлар бериледи. Бундай қосықлар балалар фольклорындағы ойын-қосық сыпатына ие болып, драмалық түрге енип барады [2:28-29].

Сөз ойын қосықларының жанрлық жақтан өзгешелик тәрәпиниң және бири онда ойын хәрекеттері хәм ойын элементтериниң пайдаланылыўы. «Әўелемен-дүўулемен», «Ақ терекпе, көк терекпе», «Бас бармақ, балан үйрек», «Хәкке қайда» ойынларын бундай сөз-ойын қосықларына мысал етип келтириўимиз мүмкин. Мәселен, «Хәкке қайда» ойынында балалар еки топарға бөлинип, қол усласып дөңгелесип турады. Ойын басқарыўшысы буйрығы, көрсетпеси менен биринши топар ойыншылары екинши топар ойыншылары менен қол усласып бир аяқлап секирип айланып жүреді.

Биринши топар: Хәкке қайда? – деп сораиды.

Екинши топар: Уясында. – деп жуўап береді.

Биринши топар: Не ислеп атыр? – деп сораиды.

Екинши топар: Кесте тоқып атыр. –деп жуўап береді.

Биринши топар: Кестеси қандай? – деп сораиды.

Екинши топар: Алақандай. –деп жуўап береді.

Биринши топар: Аўзы қайдан? – деп сораиды.

Екинши топар: Өте бериң буннан! –деп жуўап береді.

Сөз ойын қосықлары сюжети белгили бир етек, яки әпсаналардың сюжетин еске түсиреди. Балалар фольклорында бул жанрдың ойын элементтері менен бирге көркем сөздің әмийетиде үлкен роль ойнайды. Қосықлардағы сөзлер туўра мәниге ие болыўы хәм турақлы қатарлардан ибарат болғанлығы менен өзгешеленеди.

Жуўмақлап айтқанда, балалар фольклорында сөз ойын қосықлары өзиниң формасы, сюжети ертек хәм әпсаналарға қурылғанлығы, драмалық характері, жас өзгешелигине байланыслы атқарыў өзгешелиги, ойын элементтериниң сөз бенен уйғынлығы өз алдына жанр сыпатында қараў мүмкиншилигин береді.

Әдебиятлар

1. Allambergenov K., Qurbanbaev I., Kazaxbaev S. Qaraqalpaq balalar әdebiyatı tariyxı (Oqıw qollanba). -Tashkent: «Tafakkur avlodi», 2020.
2. Қурбанбаев И. Қарақалпақ балалар әдебияты. -Нөкис: «Билим», 1992.
3. Сейдин Амирлан. Айнанайын (Қарақалпақ аялаў поэзиясы үлгилери). -Ташкент: «Yangi kitob», 2020.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қарақалпақ халқ оғзаки ижодига, жумладан болалар фольклорига мансуб “Сўз ўйин қўшиқлари” жанрининг ўзига хос хусусиятлари, тарихи, лирик ва драматик хусусиятлари хусусида фикр юритилади. Шунингдек, ушбу жанр бадиий халқ оғзаки ижодиётининг мустақил жанри сифатида таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности, история возникновения, лирико-драматические особенности жанра «Песни словесной игры», принадлежащего каракалпакскому фольклору, в том числе детскому фольклору. Этот жанр также анализируется как самостоятельный жанр народного творчества.

SUMMARY

The article discusses the peculiarities, history, lyrical and dramatic features of the genre of "Word game songs" belonging to the Karakalpak folklore, including children's folklore. This genre is also analyzed as an independent genre of folk art.

ФАРИДА АФРЎЗ ИЖОДИДАГИ УЧЛИКЛАР ШЕЪРИЙ ЖАНР СИФАТИДА

Г.Дошанова – катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қарақалпақ давлат университети

Таянч сўзлар: учлик, шеърий жанр, поэтика, маҳорат, услуб, ижод.

Ключевые слова: троича, поэтическая форма, поэтика, стиль, творчество.

Key words: Trinity, poetic genre, poetry, skill, style, creation.

Дунё адабиётда, хусусан, шеърий асарлар шакл ва мазмунига кўра жанрларга ажратилади. Одатда ҳар қандай шоир ўз қалбидаги ҳис-туйғулар мазмунини маълум бир шеърий шаклга солиб баён қилади. Жаҳон шеърияти тарихига эътибор берилса, айрим шеърий

жанрлар маълум бир миллий характері-табиатига, жанр генезиси-келиб чиқишига кўра муайян бир миллат ёки ҳудудга ҳам тегишли бўлади. Шу жиҳатдан шеърий жанрлар жуда улкан категория сифатида Шарқ ва Ғарбда яратилган шеърий жанрларга бўлиниши

мумкин. Ғазал, мухаммас, қасида, таржибанд, туюк, рубоий, фард каби бир қатор жанрларни Шарқ адабиётига боғлаб тушунтириш ва муҳокама қилиш ўринли бўлади. Сонет, романс, верлибер ва шу типдаги бир қанча шеърӣ жанрлар борки, уларни Ғарб адабиёти негизда тадқиқ қилиш тўғри. Бироқ кейинги йилларда Ғарб ва Шарқ шеърӣ жанрлар, дунё шеърӣятидаги айрим жанрларнинг ўзаро интеграцион, қоришиқ-синтез жараёни ҳам кузатилмоқда. Замонавӣ шоирлар ижод намуналарида шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам таъсирланган ҳолларга дуч келиш мумкин. Зеро, ўз вақтида аруз вазнига асосланган шеърӣ жанрлар билан параллел равишда XX аср бошларида дунё шеърӣятида кенг қўлланилган бармоқ вазнидаги шеърӣ шакл, яъни ҳар бир мисранинг унли товушларга асосланган саноклари ва турокланиш негизи бу шеърӣ шакл асоси эди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда тобора оммалашган ўзбек шеърӣятидаги уч мисрадан таркиб топган шеърӣ шакллари, албатта, бир томондан ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ёки халқ оғзаки ижодида боғлаш ҳам мумкин. Аммо бир қатор шоирлар томонидан ёзилаётган уч мисрадан иборат шеърларни япон шеърӣятидаги хайку-хокулари билан уйғун муҳокама этиш яна ҳам ўринли бўлади. Бу жанрга адабиётшунослик китобларида: “Хокку, хайку (японча “илк мисралар”) – япон шеърӣятидаги анъанавӣ катъӣй шеърӣ шакл, лирик жанр деб ифодаланади. Хайку уч мисрадан ташкил топиб, биринчи ва учинчи мисраси беш бўғинлик, иккинчи мисраси эса етти бўғинлик ўлчовда бўлади ва бу жиҳатдан у танканинг дастлабки уч мисраси билан бир хил бўлиб, шеърнинг асосӣй фикри акс этган “илк мисралар” хайку номли катъӣй шеър шакли сифатида қарор топган”[4], деган фикр берилди. Бироқ ўзбек шоирлари ўз тажрибаларида бу жанрга хос қонидани катъӣйлаштирган эмас. Шу боис ўзбек шеърӣятидаги учликларга алоҳида адабий ҳодиса сифатида қараш лозим.

Кузатишимизга кўра Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Анвар Обиджон каби машҳур ўзбек шоирлари қўллаган учликлар ўз табиатига кўра бирор кичик ҳодиса ва унинг поэтик талқини ўлароқ майдонга келгани маълум бўлади. 2000-2005 йиллар оралиғида ёзган “Самарқанд хайкулари” туркумини Хуршид Даврон устози Рауф Парфига бағишлайди ва улардан бирида бевосита шоир номи тилга олинади:

“Шафтоли гуллари тўкилар

Рауф Парфи қабри устига —

Қанчалар меҳрибон кечиккан баҳор!” Хуршид Даврон қалбидаги устозига меҳр-муруватни табиатдаги гулларнинг тўкилишига уйғун баён қилади.

Шунингдек, замонавӣ ўзбек шоирларидан бири Фарида Афрўз томонидан ёзилган учликлар “тасбеҳ” деб номланди. Бу шоира учликлари орасида ҳам Рауф Парфининг тилга олиниши бежиз эмас:

“Рауф Парфи бир кун оч қолди,

Аввал одамлардан, сўнгра

Сувараклардан ёзғирди...”

Шоира Р.Парфи табиатига хос ғалати бир ҳақиқатни, унинг бошқаларга ўхшамаган ҳаёт тарзининг битта қиррасини ўз шеърӣда шундай баён қилади.

Фарида Афрўзнинг адабий тажрибалари, янгича шеърӣ шакллари хусусида таниқли олим, профессор Қозокбой Йўлдошев айнан “Тасбеҳ” (2006 йил, “Шарқ принт” нашриёти) деб номланган китобидаги учликлар хусусида шундай таъкидлайди: “Фарида Афрўз тасбиҳларида ҳам сўзли мисралар ёрдамида чуқур маънони ифодалашга эришади. Қизиғи шундаки, барча тасбиҳлар уч сатрдан иборат бўлса ҳам уларнинг ички қурилиши, жойлашуви йўсини ва бўғинлар миқдорида катъӣй бир хиллик йўқ” [2].

Шунингдек олим, “тасбеҳ” илгари поэтик атама сифатида қўлланилмагани, шоира Фарида Афрўз ўз учликларини тасбеҳ шодасидек тизиб, тасбеҳни шеърӣ жанрга айлантириб бадиийлаштирганлигини таъкидлаб ўтади. Мушоҳада қилсак, бу ҳам Фарида Афрўз учликларига хос битта хусусиятни ифода қилади.

Шоира ёзади:

“Бугун тонгда тирик уйғондим,

Бир коса сув ичдим...”

Шукр...”

Учликдаги уч нуқталар маъно ташиши билан бирга бу шеърда профессор Қ.Йўлдошев ургу берган мисралараро бўғинлар сонининг турличалиги, битта бўғиндан иборат “шукр” сўзининг битта мисрага жойланиши ҳам кўринади.

“Ҳақ, дўст, ё Оллоҳ!”

Бу бир сатр шеър.

Ҳали ҳеч шоир бундан ўтказиб айтолмади”.

Одатда кичик шеърӣ жанрга мойиллик ижодкорнинг табиатида мавжуд бўлмоғи лозим. Фарида Афрўз учлик жанрида ижод қилар экан, унинг ҳиссий фитрати шунга мойил бўлган. Юқорида берилган, дарвешлар томонидан кўча-кўйда тақрорлаб юриладиган “Ҳақ, дўст, ё Оллоҳ!” муножотига шоиранинг муносабатидан айнан шу мойилликни сезиш қийин эмас. “Ҳақ, дўст, ё Оллоҳ!”ни шоира битта мисрдан иборат шеър деб баҳолашни маъқул билади. Аслида, ижод аҳлининг қарашларини, шеърӣ дунёсини уларнинг ёзган асарлар моҳиятидан келиб чиққан ҳола муносабат билдириш ўринли бўлади.

Ижодкор сўз қидириш, янги фикр айтиш, ўз қалбини номоеъ этиш фурсатини пойлайди. Сўз устида мушоҳада юрилади. Шоирлар сўзнинг турли маъно қирраларига безътибор бўлмайди.

“Балким...” деган сўзни яхши кўраман,

Умид бор, илинж бор бу сўзда.

Ҳеч бўлмаса, “Эҳтимол...” дегин!”

Фарида Афрўз сўзни шундай ҳис этади. Ҳақиқатан ҳам “балки”, “эҳтимол” каби сўзларда аллақандай юмшоқлик, майинлик, умидворлик сезилади. Буни шеър ўқувчиси фақат шоирлар таъкидидан кейин чуқурроқ сезиши мумкин, албатта.

“Сумбулаю, сумбула

Сенинг кўнглинг ким билан?

Мен кетаман дил билан”.

Халқ оғзаки ижодида шундай оҳангли ошиқ ва маъшук ўртасидаги айрилиқ ва висол онларининг изтиробли ўйлари ифодаланган кўшиқ бор. Шоира ундаги айрим – битта-иккита сўзни ўзгартириш билан, хусусан, ташқи ҳолатни ичкарига – дилга кўчириш билан оригиналликка эришади.

Дарҳақиқат, агар Фарида Афрўз ёзган учликларга диққат қилинса, юқоридаги каби халқона пафос, халқ маталлари ва мақолларини ўз шеърӣ тафаккури воситасида қайта муҳокамадан ўтказган ҳолатлари кўп кузатилади:

“Мен сени жуда кўп ахтардим,

Дунёни гир кездим, ташна, бемажол

Олдимдан оққан сув”[4].

Инсон зоти ҳамиша изланишда, нимадир ахтаради – гоҳида излаганини топади ҳам. Баъзан ўз қалбига яқин нарсаларни олислардан излаб юради. Шундай ҳолатлар учун: “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”, деган халқ таъбири бежиз ишлатилмайди. Шоиранинг юқоридаги учлиги муталааси сўнгидея беихтиёр халқона ўша таъбир ёдга тушади ва лирик қаҳрамоннинг ҳолати, кайфияти чуқурроқ англаб олинади.

Худди шундай мазмунни бошқа бир учлигида ҳам кузатиш мумкин:

Сичқон-ку, инига сиғмайди, аниқ

Қизиқ, унга ғалвир не керак?

Наҳот, элаб ейди ҳаром донини”.

Бу учликда катта маъно мужассамдир. Сичқон киёфасидаги одамлар кўз олдингизда намоён бўлади. Сичқон табиатли кимсаларнинг ҳалол ва харомга муносабати тасаввурда шаклланади. Муҳими, биринчи мисирадаги “Сичқон-ку, инига сиғмайди” маълумотининг ўзиданок халқ орасида жуда кенг оммалашаган “Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига”, деган бир матал хаёлга келади. Зотан, қўлидан иш келмайдиган, катта гапириб, бирор юмушни қойиллатмайдган кимсаларга нисбатан, айнан юқоридаги таъбир қўлланади.

Шеърятда воқеий тасвир кўп қўлланилмайди. Аммо Фарида Афрўз учликлари орасида болалар ҳаётига хос муҳим ҳодисаниг бадий тасвири мавжуд. Шоира ёзади:

“Аравага осилиб келар,
Эскифуруш чолнинг ортидан,
Мактабидан қочган болалар”.

Биринчидан, айнаи учликнинг биринчи мисрасиданок кишлоқ муҳити ҳаёлимизда жонланади. Иккинчидан, болалардан эски-туски нарсалар эвазига турли митти ўйинчоқлар алмашиб юрадиган “шарабарачи” чоллар эсга келади. Шоиранинг тасаввур қуввати шундаки, одатда шундай чоллар изидан “мактабидан қочган” шўх-шодон болалар эргашиб юради.

Адабиётшунос Қахҳоржон Йўлчиев ўзининг “Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик” номли монографиясида ўзбек ва жаҳон шеърятдаги кичик лирик жанрларни типологик ўхшашликлар нуктаи назаридан қиёслади, уларнинг ўзаро фаркли ва ўхшаш жиҳатларига тўхтади. Шу монографияда адабиётшунос учликлар генезиси тўғрисида шундай мулоҳаза юритади: “Учлик шеърый жанр ўзбек мумтоз шеърят тарихида учрамаган ҳолда, учлик банд ёки уч мисра шаклидаги асарлар ўзбек халқ оғзаки ижоди ва исломгача бўлган адабиёт намуналарида учрайди”[5]. Шунингдек, олим изланишларига кўра бундай шеърый шакл ўзбек шеърят тарихида “уч мисралаи шеърлар икки кўринишда” учрашига урғу беради. Улардан биринчиси, албатта, уч мисрадан таркиб топган бандлар бўлса, иккинчиси алоҳида уч қатордан иборат бўлган алоҳида шеърлардир.

Фарида Афрўз ёзади:
“Дунёни бозорга ўхшатадилар,
Дунёни ҳар нега менгаш мумкин,
Масалан, ўргимчак тўрига”.

Қ.Йўлчиев Фарида Афрўзнинг ана шундай фалсафий моҳиятли учлик шеърларида нисбатан “лирик, ҳиссий-фалсафий мазмун ва эркин вазни билан кўзга” ташланишига алоҳида урғу беради. Аслида юқоридаги учликни ўқиган ўқувчи Абдулла Ориповнинг тўрт мисрадан иборат “Мен англаб етган фалсафа” деган шеърини ёдга солади:

“Бозорга ўхшайди асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.
Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло,
Молим ёмон деган бирор кимсани”[5].

Фарида Афрўз “Дунёни бозорга ўхшатадилар” деганида машҳур шоирнинг айнаи тўртлигини ҳам назарда тутган бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, Абдулла Орипов тўртлигида жуда катта фалсафий маъно-мазмун мужассамдир. Айнан шу фалсафий-ҳиссий йўсин ифоданинг кучайтирилган бир шакли Фарида Афрўз ташбеҳида ҳам кузатилади, яъни шоира дунёни “ўргимчак тўрига” ўхшатади. Дунё учун шундай

шоирона метафорасида Фарида Афрўз ўзигача бўлган дунё таърифига янги бир шеърый муносабат билдиради. Энг муҳими, бу ташбеҳ шеър муҳлисининг эсида кўп вақт сақланиб қолади.

Ҳар қандай ижодкор учун дунёда ота-онасидан кўра табаррукроқ бошқа бир кимса бўлмайди. Фарида Афрўз ўз шеърларида Ота образини миллат образи даражасига кўтаради. Бу фикрни қўйидаги иккита учлик мисолида исботлаш ўринли бўлади:

“Менинг жуда тарихим узун,
Илдизим ҳам нақадар, чуқур,
Фақат пахта экиб ўтмаган одам”
Ёки:
“Тил теккизма, миллатимга, қўй,
Даҳо туккан ҳар йили онам,
Отам фақа-а-а-т пода бокмаган”.

Ўзбек халқи табиатига кўра кейинги юз йилликда дунёга пахтакор сифатида танилди. Боринки, пода боқиш, чўпонлик ҳам ўзбек халқига мос. Аммо Фарида Афрўз талқинидаги миллат - бу улуг аждодлари бор миллатдир. Шунинг учун у миллат тарихининг қадимийлигига, маънавий илдизлари нақадар бақувват ва чуқурлигига урғу беради. Кейинги учлик, юқоридаги учлик давоми ўлароқ майдонга келган бўлса – не ажаб?! Шоиранинг поэтик тафаккури тарих ва миллат илдизи орқали ўтиб, даҳоларга бориб такалади. Шу билан бирга подачилик, чўпонлик ҳақидаги тушунча инкори учун “фақа-а-а-т” сўзини атай бир неча унли товуш эвазига чўзиб беради. Бу ҳам шоира шеърларидаги бадий хусусиятнинг муҳим бир қирраси ҳисобланади.

Фарида Афрўз бир учлигида:
“Анча бўлди шеърлар ёзмадим,
Анча бўлди беҳушман, демак,
Тириклигим ёдимдан чикди”.

деб ёзади. Ижод аҳли учун қаламнинг қимирлаши, яхши асарлар ёзиши – бу тириклик рамзидир. Шоир ёки шоира деган номни қозониб, сўнгра ижод қилмаган одам тиниб қолган сувга ўхшайди. Ҳатто бу ҳолни Фарида Афрўз “Тириклигим ёдимдан чикди” деб ифодалайди. Инсон бошига келадиган дард, алам, шодлик, сурур, қувонч, айрилиқ “надомот бор, бахт бор, армонлар бор” экан, шоира ўз шеърларига қарата “Сен ҳам борсан, сен борсан - шеърим” деган муҳим бир таъкидли мурожаатни баён қилади. Дарҳақиқат, Фарида Афрўз учликлари юзасидан олиб борилган изланишар, фикр-мулоҳазаларни қўйидагича хулосалаш жоиздир.

Биринчидан, ўзбек шеърятдаги тажрибавий йўсинда майдонга келган учликлар ўзбек мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижоди ҳамда дунё адабиёти булоқларидан баҳраманд бўлди.

Иккинчидан, учликлар таржимаси ва тажрибаси тарихида истеъдодли шоир Рауф Парфининг алоҳида ўрни бор. Шу боис издош шоирлар унга нисбатан эҳтироми шеърый йўсинда эргашганлар.

Учинчидан, Фарида Афрўз ўз учликларида халқ озаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланди ва ўзига хос шоирона ташбеҳлар қўллади.

Тўртинчидан, Фарида Афрўз ўз учликлари билан айнаи кичик жанрнинг имкониятларини кенгайтди. Уларга халқона пафос, ҳаётий-фалсафий мазмун бағишлади. Шу билан бирга шоира ўз ижодида нисбатан шеърый муносабатлари ҳам учликлари, умуман, шоира ижодини баҳолаш учун муҳим далил бўлади.

Адабиётлар

1. Абдулла Орипов. Шеърлар. Достонлар. -Тошкент: “Шарқ”, 2019.
2. Йўлдошев Қ. Ёнги сўз. -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006.
3. Йўлчиев Қ. Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик. -Тошкент: “Турон замин зиё”, 2016.
4. Куროнов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. -Тошкент: “Академнашр”, 2010.
5. Фарида Афрўз. Ушшоқ. -Тошкент: “Шарқ”, 2004.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада шоира Фарида Афрўз ижодидаги учликлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шеърӣ жанр сифатида такомиллашиши, учликларни ёзишда шоиранинг услубий маҳорати, учликлар поэтикаси масалалари қиёсий таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье проанализированы троицы поэтессы Фарида Афруз и её художественные особенности, её развитие как поэтического жанра, мастерство поэта и поэтика троицы.

SUMMARY

This article analyzes the trinity of the poetess Farida Afruz and its artistic features, its development as a poetic genre, the skill of the poet and the poetics of the trinity.

«DÁWLETIYARBEK» DÁSTANÍNDA KÓRKEMLEW QURALLARÍNÍN QOLLANÍLÍW ÓZGESHELİKLERI

U.Esemuratova – tayanish doktorant

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch sózlar: «Davletiyarbek» dostoni, folklor, metafora, epitet, doston, giperbola, anafora, obraz.

Ключевые слова: эпос о «Давлетиярбеке», фольклор, метафора, эпитет, эпическая поэма, гиперболa, образ.

Key words: the epic of «Davletiyarbek», folklore, metaphor, epithet, epic poem, hyperbola, anaphora, image.

«Dáwletiyarbek» dástanında keltirilgen kórkem súwretlew quralları kúta bay hám hár túrli bolıp, olar dástannıń xalıqlılıǵı, kórkem ózgesheligi, ideyası menen tıǵız baylanısqa. Xalqımız ózleriniń bahalı dóretpelerinde tereń sińisip ketken eń jaqsı kórkemlew quralların mın jıllar qatarına haqıyqıy turmıs qubılısı hám tájriybesi tiykarında payda etti[1].

Qaraqalpaq folklorında jıyı qollanıwshı troplardıń biri metafora. Metafora kórkem shıǵarmada súwretlenip atırǵan obrazǵa sırtqı kórinis yaqı belgili bir qásiyeti jaǵınan uqsaslıǵına qaray obrazlardı almastırıp sóyleytuǵın poetikalıq qural. Ayırım jaǵdaylarda metaforalar teńewlerge da uqsap ketedi. Biraq teńewler grammatikalıq qurallar arqalı teńlestiriletuǵın nárseler qatnasadı, al metaforada tiykarǵı súwretlewshiniń obyektı uqsatılǵan atama menen tikkeley ataladı. «Dáwletiyarbek» dástanında metaforalardıń ayırım úlǵileri ushırasadı:

Janıma batıp tur rahibtiń sózi,
Búlbúldi ushırıp, gülden ayırdı.
Sizler kába, biz bir hajı,
Zıyarat áylesem saña.
Dáwletyarbek boshqa ómirin ótkermish,
Aq sút bergen kábam anam amanmı[2]

Mısalda alınǵan qatarlarda berilgen metaforalar dástannıń kórkemligin asırıp kórsetilgen. Yaǵnıy, er jetken jigitlerdi búlbúlge, al qızlardı gülge uqsatıp burınnan kiyatırǵan xalıq awzındaǵı sózler. Sonday- aq, júreinde muhabbat ushqını oyǵan ashıqlardı búlbúl menen gülge mezgetkenindey, dástanda ashıqlardıń bazı sebeplerge baylanıslı ayrılıqqa ushırawı metaforalıq usıl menen awısıp qollanılǵan. Musılmanlar analar hám hayal-qızlardıń ullılıǵın bildiriw ushin olardı «Kába» ǵa teńeydi. Sebebi, jánnet- analar ayaǵı astında,- degen maqaldıń barlıǵı tosınan emes. Mine, usınday analarımızdı ulıǵlap, olardı kóklerge kóterip, húrmet-izzetin ornına qoyıw, dástanda sheberlik penen berilgen. Kópshilik jaǵdsaylarda qaraqalpaq dástanlarındaqı metaforalar xalıq awızeki dóretywshiligindegi ayırım tayar túrindegi qatarlar menen de keledi.

Epitet troplardıń eń kóp qollanılatuǵın túrlerinen biri bolıp, ol arqalı dástandaqı qaharmanlardıń yamasa súwretlenip atırǵan zattıń, qubılıstıń birden kózge túserlik ayqın belgisin atap kórsetedi. Qaraqalpaq dástanlarında epitetler tiykarınan turaqlı formasın saqlaydı, al geypara jaǵdaylarda atqarıwshınıń ózinshelik atqarıw sheberligine baylanıslı óz formasın ózertip te jiberedi. Mısalı:

Kózleriń, qashlarıń quralmısh káman,
Lábleriń shıyrın, tisleriń marjan.
Júyrik bedew, keskir qılısh,
Qolında tayar bolmasa.
Jorǵa minip, shika chigip júrerler,
Alǵır lachın, shunqar qusları bardur [2].

Dástandaqı epitet arqalı súwretlenip atırǵan nárese (kóz, qas, qılısh) belgisin ayrıqshalap kórsetip, oǵan kitapxannıń

dıqqatın tartıwdı maqset etken hám dástannıń emocional, ekspressivligin tereńlestirgen. «Kózleriń qashlarıń quralmısh káman» epiteti arqalı qızdıń gózzalıǵı, «tisleriń marjan» epitetinde tisiniń marjanday appaq ekenligi, «júyrik bedew» bedewdıń shapqırılıǵı, tezligi, «keskir qılısh» epitetinde bolsa, qılıstıń ótkirliǵın sáwlelendirgen. Dástandaqı epitetler adam yamasa zattıń sapasın kórsetip qoymastan, onıń mánisin tolıq etip jetkerip beriwge háreket etken.

Barlıq xalıq dástanları sıyaqlı «Dáwletiyarbek» dástanında da giperbolalar súwretlew usıllarınıń tiykarǵı ózgesheligin quraydı. Sonlıqtan dástanda ushırasatuǵın hár qıylı súwretlew quralları belgili dárejede giperbolalıq qásiyetke iye bolıp, dástanda Dáwletiyarbektıń kúsh-ǵayratın bayanlawda kúta aktiv qollanıp, sheber xalqımızdıń fantaziyası menen ushlastırılǵan:

Dáwletiyar der pikirim, zikirim dawama,
Ot chiqar aǵızınan shekken ahıma
Maydan ichra Rustem kabi haybatlı
Sher, filning quwatı, arıslan sıpatı[2].

Folkloradaǵı giperbolizm adamlardıń tábiyattaǵı hám jámiyettegi güresindegi ushırasatuǵın qarama-qarsı kúshlerdi jeńiwge hám olardıń üstinen üstemlik etiwge baǵdarlanıwı menen sóz etilip otırǵan predmettiń yaqı qubılıstıń tereń estetikalıq sırın ashıp beriwge qaratılǵan.

Ájdarhaday atlar bilan,
Jannan kechken mártler bilan,
Lalawlashqan gurtlar bilen,
Anda ushıradı taǵlar[2].

«Dáwletiyarbek» dástanında da onıń mártlik islerin, batırılıǵın súwretlew menen birge adamlardıń minez-qulqın ashıp beriwde de qollanılǵanın kóriwimizge boladı. Qaraqalpaq eposında teńewler jıyı ushırasadı hám turaqlı epitetler sıyaqlı anıq kózge taslanadı. Olar jıraw, baqsılar tárepinen obrazǵa, xarakterge biyparwa paydalanılmaydı, al kórkem súwretlewdiń bahalı quralı bola otırıp, olardı ashıp beredi. «Dáwletiyarbek» dástanında teńewler hár qanday obrazdıń, epizodtıń mazmunın ayrıqshalıǵına hám ózine tán bolıwına ılayıqlı túrde beriledi:

Uch yashında shıyrın tildur,
Tórt yashında búlbúldur,
Besh-altıda qızıl güldur... [2]

Bunda hayal qızlardıń ósip kamalǵa keliwinde hár bir jasın belgili bir predmet penen teńeydi, yaǵnıy úsh jasında endi sóylewdi úyrenip kiyatırǵan waqtın shıyrın tilge, tort jasın búlbúlge, bes-altı jasın qızıl gülge teńeydi.

Bashına ayaǵı tamamı adap,
Láyli, gáwhar kibi tishları sadab.
Maydan úze Rustem kibi aybatlı,
Sherlerdey ǵayralı, arıslan sıpatlı [2].

Bul qatarlarda Láyli, gáwhar kibi, Rustem kibi, sherlerdey ǵayratlı, arıslan sıpatlı teńewlerdiń paydalanılǵanlıǵı, dástannıń kórkemlik ózgesheligin ótkir, tásirli